



Хозирги кунда ёшлар тарбияси энг муҳим масалалардан ҳисобланади. Мамлакатимизда ёшларни Ватанга садоқат, фидойи, билимли, юксак маънавиятга, довурак ҳамда истиқлол ҳолати руҳида мустақил фикрлайдиган инсонлар сифатида камол топтириш, уларнинг фаоллигини оширишга кенг эътибор қаратиш керак. Биз Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси Мировот тумани бўлими бошлиғи Абдусамат Хидоятгова туманда бу борада қандай ишлар амалга оширилганлиги ҳусусида бир неча саволлар билан мувожабат қилдик.

— Абдусамат, ёшларни ватанпарварлик руҳида, эл-юртга фойдаси тегадиган инсонлар сифатида тарбиялаш борасида «Камолот» жамғармасининг туман бўлими томонидан қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Президентимиз таъкидлаганларидек, «Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт». Шу маънода туман ёшларини Ватанга садоқат, эл манфаати йўлида хизмат қилиш ҳолати асосида камол топтириш, уларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш ва жамоат ишларида фаоллигини ошириш юзасидан туман ҳокимлигининг 1999-2000 йилларга мўлжалланган амалий ишлар дастури қабул қилинди. Бу шунга асосан бир қанча ибратли тадбирлар, илмий-амалий анжуманлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Шунингдек, ёшларни мустақиллик ҳолатида содқлик руҳида тарбиялаш, уларни ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш ва фаоллигини ошириш мақсадида тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан мувофиқлаштирувчи шаҳар кенгаши ва унинг ишчи гуруҳи тузилди.

Ил бошидан буён туманда «Мардлар қўриқлайди Ватани», «Оғолик — давр талаби», «XXI аср ёшлари ва асл мусулмоннинг замонавий қиёфаси» сингари тадбирлар, «Сиз қонунни биласизми?», «Сиз тарихни биласизми?», «Тоза ҳаво — танга даво», «Қувноқлар ва зукколар» қўриқ-танловлари, шунингдек, «Саломатликнинг ёш дўстлари» мавзусида мусобақа ўтказилди. Булардан ташқари яқинда «Тикучилар» маданий саройида туман ҳокимлиги, «Камолот» жамғармаси туман бўлими, «Эко-

сан» туман жамғармаси ҳамкорлида «Гулим, уйим, шаҳрим» ва «Ибратли қайнона» қўриқ-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Шу билан бир қаторда «Миллий истиқлол мафқураси ва ёшлар тарбияси», «Тарихий мерос ва унинг ёшлар маънавиятини шакллантиришдаги ўрни» мавзусида илмий-амалий анжуманлар ўтказилди. Албатта бундай хайрли ва ибратли тадбирларимиз туман аҳолиси, ҳусусан ёшлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этади, деб уйлаймиз.

— Айтинчи, ёшларни касб-хунарга ўргатиш, ишсизларни иш билан банд этиш борасида қандай ишлар қилинмоқда?

— Туманимизда ёшларни касб-хунарга, меҳнатга жалб этиш асосий вазифаларимиздандир. Маҳалла ва меҳнат, бандлик ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси бўлими ҳамкорлигида ҳар бир ҳудуд бўйича ишсиз ёшлар рўйхатини тузиб, улар ҳар чоракда таълим ва меҳнат бўлими билан бирга бўлган эҳти-
ажларни давлат корхоналари бўйича аниқлаш ва ишсиз ёшларни шу ўринларга жойлаштириш мақсадида маҳаллаларда ва ишчи кучига талаб юқори бўлган давлат корхоналарида меҳнат ярмаркалари ташкил этилган. Туман ҳокимлигининг «Бандлик-99» ва «Бандлик-2000» дастурларини ба-
жариш мақсадида, янги иш ўринларини яратишни таъминлаш, «Усто-шоғир» усулидан фойдаланиб 1999-2000 йилларда ёшларни уларнинг хоҳишларига кўра турли хунарамандчилик касбларини ўргатиш учун корхоналар ва ўқув юртларига шар-
тномалар асосида йўллаш янги самаралар бермоқда. Бу хайрли ташаббусларни туман ҳокимлиги «Камолот» жамғармаси туман бўлими, меҳнат, бандлик ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси қилиш туман бўлими, маҳалла оқсоқоллари, корхона ва ташкилотларнинг ҳамкорлигида олиб бораётганини мамнуният билан айтиб ўтиш жоиз.

Туманимизда булардан ташқари қатор кенг қўламадаги ишлар амалга оширилма-
тир. Келгусида мустақил Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнаши, тинч ва фаровон бўлиши, ёшларимизнинг асл ва-
танпарвар, юксак онгли, мард ва жасур бўлиб етишишлари учун ҳар томонлама қайғуришимиз, меҳнат қилишимиз зарур.

Сухбатдош Дилором ИКРОВА.

Ёшлар — келажакимиз

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР



Истиқлол туфайли мамлакатимизда улкан ўзгаришлар, туб бури-
лишлар юз бермоқда. Шаҳримиз кўчаларининг янги номлар билан
аталишининг боиси ҳам шу неъмат шарофатидандир.

Шоира Кавсар Турдиева пойтахтимиздаги бу янгиликлардан
илҳомланиб, туркум шеърлар ёзди. Куйида унинг шу йўналишдаги
шеърларидан намуналар ўқийсиз.

АМИР ТЕМУР КЎЧАСИ

Номинг не деса ҳар он
Дейман: Темур Кўрагон.
Уйлаб кўринг-чи пича,
Саркарда ўтган неча.
Аммо кимга, қай замон
Тан берган бутун жаҳон.
Жаҳонни қилган ҳайрон
Бобомиз Соҳибқирон.
Рух кезар юрт бўйлаб,
Нажоткор сўзин сўйлаб.
Кўчамда унга ҳайкал
Шаҳарга берган сайқал.

МУСТАҚИЛЛИК КЎЧАСИ

Менинг кўчам анча ёш,
Унинг тахтидир кўёш.
Унинг бахтидир Хумо,
Булутидир ёруғ само.
Тинчлик менинг кўркимдир,
Пойдеворим эркимдир.
Қалбда сўнмаси шир,
Билим, виждон ҳамда ор.
Менинг номим яшайди,
Ўзгаларга бошлайди.

АЛИШЕР НАВОЙИ КЎЧАСИ

Дон ва буюк бобо,
Жаҳонда суюк бобо.
Номинг ардоғида
Ҳазал — назм боғида.
Яратган ажиб бўстон
Ва Ҳамса — бешта дoston.
Мероси нечук улкан
Анлар ўқиган, билган.
Ҳар сўзи буюк сабоқ,
Юксакка элган сўжмоқ.

АЛПОМИШ КЎЧАСИ

Бойчиборда худди қуш
Учмаса-да Алпомиш.
Аммо ҳар уйда бир алп
Ва шиддаткор оловқалб,
Ботир улғаяр, ўсар
Ёмонлик йўлини тўсар.
Ёнғор бўлса қандай ғов
Паҳлавон қалби олов.
Ўёки метин қоя
Юртин қилар ҳимоя.



Шаҳримизнинг раво кўчалари.

Сергей Любич олган суратлар.

Хуқуқингизни биласизми?

Савол: Қандай ҳолларда никоҳ туга-
тилади?

Жавоб: Эр-хотиндан бирининг вафоти
ёки суд улардан бирини вафот этган деб
эълон қилиши оқибатида никоҳ тугайди.
Никоҳ эр-хотиндан бири ёки ҳар иккала-
сининг аризасига мувофиқ никоҳдан аж-
ратиш йўли билан, шунингдек суд томо-
нидан муомалага лаёқатсиз деб топилган
эр ёки хотиннинг вассийси берган аризага
мувофиқ тугатилиши мумкин.

Савол: Никоҳни ҳақиқий эмас деб
топиш тартиби қандай?

Жавоб: Никоҳни ҳақиқий эмас деб то-
пиш фақат суд тартибидеа амалга оши-

рилади. Никоҳни ҳақиқий эмас деб то-
пиш ҳақида суднинг қонуний қучга кир-
ган ҳал қилув қароридан нусха бери-
лаётганда ласпортга ёки шахсини тас-
диқловчи бошқа ҳужжатга тегишли бел-
ги қўйилади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш
ҳақида суд чикарган ҳал қилув қарори
қонуний қучга кирган, ўн кун ичида ун-
дан қўчирма никоҳ тугилишнинг рўйхат-
га олинган жойдаги фуқаролик ҳолати да-
лолатномаларини қайд этиш органига
юборилади.

(Ўзбекистон Республикасининг
Оила Кодексидан)

Муносабат

Шунча йил турган уй бирдан бузи-
ладиган бўлиб қолди. Шокир ота Юну-
сободин ўзи ташлаган кўп қаватли
уйлاردан бирига кўчиб ўтадиган бўлди.
Камбағал бўлсанг кўчиб кўр. Кўч-
кўронини ташиб олишининг ўзи бўлди-
ми? Машина топшиб қерак. Топганда-
ни бемалолхўжасидан бўлиши керак.
Зир югуриб машина излаб бир кун
бекор ўтди отанинг. Кампирга мас-
лаҳат солувчи у бидиллап кетди.

— Вой қизик экансиз-ку. Ахир ким-
сан палончи ветеран бўлсангиз. Ор-
ден, медалларингиз бир қутти. Ишхо-
нангизга бориңг. Оз эмас, кўп эмас
ўттиз йил умрингиз ўша ерда ўтди-ку.
Улибимиз сиздай пенсионерга битта
машина бермай.

Бало-да шу кампир. Қара-я икки
кундан бери хайлига келмаган нараса-
ни бир зумда эслатди-қўйди. Ота кам-
пирга илжайиб бекди.

— Хозирок бориңг!

— Гап чолга маъқул келганини
сезиб таъкидлаб қўйди кампир.
Ордан ярим соат ўтиб-ўтмай Шо-
кир ота ўзи ишлаб, кесалик таътили-
га чиққан автокорхона дарвозаси ол-
дида турарди. Корвоҳонада биринчи
бўлиб шоғирди Ниязматни учратди.

— Привет отахон. Бормисиз дунё-
да?

Ниязмат шундай дея Шокир отани
қучоқлай кетди.
Димоғига гул этиб урилган бенини
аралаш қорамой исидан ота сарҳис
бўлди. Таниш ҳал. Шоферлик қилган-
га неча йил бўлган бўлса, шундан
бери шу ҳидди димоғига туйиб кела-
ди.

Бир зумда қадридонлар Шокир ота-
ни ураб олишди. Отахан улар дав-
расида ёшариб кетгандек бўлди. Қувноқ
қулғу, ҳазил-мутойибадан сўн Шокир
ота мақсада кўчди...

Қўлуҳдонда уни нозик-норол қиз қар-
шилади.

— Хизмат.
— Мен Одиложоннинг ҳузуруларига
қирмоқчи эдим.

— Кутинг бандлар.
Набираси тенги қизинг дағал сўзи
Шокир отани ранжитсада индамади.

«Тавба, бу тоифа ёшларга нима бўлган
ўзи. Бунчалик шарт-шуртни қайдан ўр-
ганишган? Муомала одобиниям билмай-
ди булар. Худди ўқанишгандек яна қўчи-
лик бошлиқлар мана шунчаларни ко-
тибаликка танлашади-я». Отанинг диқ-
қати ошди.

— Менга қаранг қизим, сиз кириб
Шокир ота келибдиган денг. Фамилияни
Хидиров. Дарров қабул қилади Оди-
ложон.

Котиба чими-
рилиб ичкарига
кирди. Қайтиб
чиққан отага
тўйиллади.

— Эртага кел-
ларкансиз.

Шокир ота
ғалати бўлиб
қолди. Бир кўнгли қўлини ювиб қўлтиги-
га ургиси келди-ю кампирининг дашно-
мидан кўрди. Шарт туриб қабулхона
эшигини тортиди. Котибанинг ҳай-ҳайла-
шига қарамай бошлиқ ҳузурига кириб
кетди.

— Ассалому алайкум!

— Нима гап, тинчликми? Бандман де-
дим-ку.

— Одиложон, мени танимаясан чоғи?

— Танганиман отам.

— Бир оғиз илтимосим бор эди-да.

— Бўлмаса қисқа қилин.

— Янги уйга кўчяпмиз. Шунга ма-
шинулардан ёрдам берармикан дедим-да.

— Ёш машина йўқ-ку, отам.

— Ёш машина йўқ-ку, отам. Янги машина
учун-тўрт кун кутсангиз... Янги машина
машиналардан топинг-қўйинг-да. Била-
сизку, бизда режа бор.

— Биламан, энди шунга хизматим эва-
зига...

— Ортиқча гапни қўйинг отам. Иш-
лаган бўлсангиз меҳнатингизга яраша
хукуматдан пенсия олясиз. Ахир иш-
лаб кетган деб ҳаммага ҳам машина-
дан ёрдам беролмайманку. Биздан сиз-
га кўрсатган хизматимизни эмас, ре-
жани сўрашадиган, отам.

Бошқа гапга ўрин йўқ.
Қилишимдан минг-минг пушаймон
бўлиб Шокир ота орқасига қайтаркан
ўзига ўзи йўл-йўлакка пириллаб борар-
ди. «Мана сизга кексаларга ҳамқўрлик,
мана сизга... Хўп тўнка бўптику бу бола.

Узқ ўтириб қолди-да сўзиди. Келгани-
да бинойидек эди. Айнабди. Тағига сўз
қўймаса кўпларнинг дилига озор бера-
ди бу».

Ота шу ас-
нода ўзи билан
бирга ишлаган
Фаррош хотин
Соҳида опа би-
лан бўлган ба-
ноғоҳ учрашув-
ни эслади.

Ушанда аёл

эзилиб ҳасрат қилганди.

— Корхонамиз қошида болалар бог-
часи очилганини эшитиб роса қувон-
дим. Невараганимни боғчага жойлаш-
тириш учун қийналиб юргандим. Шунинг
учун айна муддао бўпти дедиму авто-
комбинатимизга бордим. Ахир 10 йил-
дан бери ўша ерда ишлаб пенсияга чиқ-
дим-ку. Хар қалай бошлиқлар илтимо-
сини қабул қилишиб битта набирамни
боғчага олишар деган умидда эдим-да.

Шу десангиз қасбада уюшмаси ра-
сига учрашсам «Борча масаласини фа-
қат Одиложон ака ҳал қилдилар. Ўша
киши руҳсат берсалар майли, набиран-
гизни боғчага оламиз», дейди.

Мажбур бўлиб бошлиқнинг олдига
кирсам, вой қовонгидан қор ёғилмай
ўлсин, ҳатто гапимни охиригача эшит-
мади.

«Болани тўққан онаси, отаси бор.

Ушлар жойлаштириш, сиз пенсио-
нерсиз бунча ишларга аралашманг»,
дейди.

Вой тавба, шунча йил ишлаб топ-
ган обрўйим шу бўлдимми, айланай
Шокир ота. Ахир болани отаси бўлса-
ям тўғра. Қизим бечора иккита ёш
боласи билан ишлай олмай уйда ўти-
рибди-я. Ҳа ниснософ, ҳеч бўлмаса гап-
ни охиригача эшит.

Уша кўни Шокир ота ҳамкорхона
бўлган бу аёлнинг ҳолига ачинганди,
ўзича «яҳши иш қилмабди-да Оди-
ложон» дея директорини яниб қўйганди.
Мана шу гапдан ҳулоса чиқарса
бўлмас эканми? Кампирга гапирса,
йўқотган нос қовоғини толгандек чо-
пди-я ишхонасига. Худди шу ердагидек
«мана сизга машина» дея
қўшқўллаб тургандек.

Чолининг уйга ҳуфтон бўлиб қай-
тганини қўриб кампир ловиллаб кет-
ди.

— Вой қирисин, битта машина
шунчалик мамлаша бўлмай. Хозир
мен ўзим ишлаган фабрикага борай,
олдимга солиб берарди машинани.

«Беради-я беради. Бекорга оворга
бўласан. Сен ҳам бошлиқнингдан сиб-
сат эшитиб қайтасан».

Кампирнинг қарори қатъий экан,
югурғиллаб чиқиб кетди. Ордан икки
соат ўтар-ўтмай у оғзи қулоғида қай-
тиб келди.

Умридан барака топадиганда
бизнинг директор. Бир оғиз сўзимни
эшитиб янги уйга кўчиб олганимизга ма-
шина сизни иштиришга дейди-я».

Йўл-йўлакка профкомга айтиб 5 минг
сўм ёрдам пули ёздириб берганини
айтмайсизми. Хой, тез туринг чол,
машина ташқаридан қўтиб турибди.

Шокир отанинг қўзидан дув ёш ду-
малади. «Яҳшилар кўп дунёда». Ҳаё-
лига келган шу гапдан қўнгли тоғдек
кўтарилиди.

Маҳмуд ОРИПОВ.

Дил изҳори

ЯХШИЛАР БОР БЎЛСИН ДУНЁДА!

Орамизда меҳр-муруватли, саховатли инсон-
лар кўп. Бунга умрим мобайнида кўп бор ишонч
ҳосил қилдим.

Турмуш қийинчиликлари бизни ҳам четлаб ўтмади.
Ёлғиз ўғлим, келиним ва бир набирам билан тинч-
тотув яшаб келаётган эдим. Ўғлим 1989 йилда авто-
мобиль ҳалокати туфайли ҳалок бўлди. Келиним бир
ойдан кейин 3 ёшли қизини ташлаб кетиб қолди. Кат-
та ҳовлида ёш набирам билан ёлғиз қолдим. Қўрган
қийинчиликларимни ҳеч кимнинг бошига солмасин.

Шунда бирдан бахтимизга Мустақиллик кўёши
нур сочди. Кўп йиллик меҳнатларим қадрланди.
1994 йилда Президентимизнинг Фармонига асо-

сан «Шўҳрат» медали билан тақдирландим.

Ўтган йилларда меҳрли кишилар бизни кўп ёдга
олишди. Тошкент шаҳар ва Мирзо Улуғбек тумани
ҳокимликлари ҳамда Республика хотин-қизлар кўмита-
си томонидан бизга кўп марта ёрдам ва саховат кўрса-
тишди.

Қалби саҳий, меҳрибон бу инсонларга минг бор
ташаккур. Мана шундай хайрли ишларга бош-қош бўла-
ётган Юрбошимизга ҳам раҳмат. Ўқсик дилларга ма-
лҳам бўлиб, меҳр-саховат кўрсатаётган ана шундай ин-
сонлар ҳаммаша бор бўлсин дунёда!

Зухра ая ТОШПЎЛТОВА,

Паркент кўчаси, 241-уйда истикомат қилувчи.

Даволаш масканларида ЭЛ САДОМАТЛИГИ ЙУЛИДА

Мамлакатимизда «Со-
ғлом авлод» давлат дас-
тури изчиллик билан ҳаёт-
га татбиқ этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирли-
гига қарашли Республика
илмий онкология маркази
қошида фаоллиг кўрсата-
ётган маслаҳат поликли-
никаси жамоаси ҳам бар-
ча қатори ушбу дастури
амалга ошириш ишига
озми-кўпми ўз ҳиссасини
қўшиб келмоқда. Унга таж-
рибали шифокор Зарифа
Маҳмудова раҳбарлик
қилади.

Маслаҳат поликлиника-
мизда 10 та махсус хоналар
мавжуд. — деги биз билан
суҳбатда Зарифа Маҳмудова.
— Гинекология, проктология
(ичак касалликлари), кўз ка-
салликлари, урология, сўт
бези касалликлари, сўқ азот
билан даволаш, лор, химия-
терапия, эндоскопия ва бош-
қалар. Поликлиникамизга бу-
тин республикамиздан ҳамда
турли шифохоналардан бе-
морларга аниқ ташхис қўйиш
учун бизга мурожаат этиша-
ди. Бундай кишиларга мала-
кали тиббий ёрдам кўрсати-
либ, тегишли маслаҳатлар
берилади. Яқинда поликлини-
камизнинг эндоскопия бўли-
мига Япониянинг «Омилус»
фирмасининг «Гастроскоп»,
«Бронхоскоп» апаратлари
ўрнатилди. Бу апаратлар бе-
морларга аниқ ташхис қўйиш
имконини яна ҳам оширади.
Уларга олий тоифали шифо-
корлар — онколог Санобар
Алимова, акулистер Дамира
Ахимова, Елена Локтионова,
Умида Фозилова каби ўз кас-
бининг усталари, Шоҳида Со-
лиқова, Машхура Алиева син-
гари фидойи, кўп енгил ҳам
шишлар хизмат кўрсатиш-
моқда.

— Фурсатдан фойдаланиб,
айтмоқчи эдимки, — деб сўзи-
ни давом эттирди Зарифа
Маҳмудова. — Беморлар ка-
саллик обдон илдириб, та-
надаги барча аъзолар касал-
ликлари бўлгандагина шифокор-
га мурожаат этадилар. Улар
олдин экстрасенс ёки табиё-
га бориб, кимматли вақтла-
рини кетказадилар. Касаллик
зўрайгандан сўнггина номлоқ
қолган шифокор ҳузурига кел-
ладилар. Хар бир инсон тўрт
мучаси соғ-саломат бўлиши
учун албатта йилда бир мар-
та шифокор қўриғидан ўтиши
керак. Ахир касални давола-
гандан кўра, касалликнинг ол-
дини олган афзалдир. Мас-
лаҳат-поликлиникамизга ҳар
бир истехласиз мурожаат
этинг. Олий тоифали, шифо-
корлар сизнинг хизматингиз-
да бўлишади. Шундагина со-
ғлом оилада — соғлом фар-
зандлар туғилади. Ахир кела-
жамиз давомчилари
бўлиши фарзандларимизнинг
соғлом ва бақувват бўлиб ту-
ғилиши ва вояга етишига бар-
часи маъмурий.

Жамғаримнинг барча аъзо-
лари яхшилаш, уларни дори-
датмон билан эмас, балки
ширин муомалалари билан
ҳам даволашга, тиббиёт хо-
димлари олдида қўйилаётган
вазифаларни амалда рўбга
чиқариш учун ҳаракат қилмоқ-
далар.

Шоира МУҲАМЕДОВА.

ЗАРУРИЙ ЧОРАЛАР

Ўзбекистон Республика-
си Вазирлар Маҳкамаси-
нинг шу йил 22 апрелда-
ги фармойиши ҳамда шу
йилнинг 26 июнидаги маж-
лиси қарори асосида Тош-
кент шаҳар ҳокимлиги ша-
ҳар худудига ҳайвонлар-
нинг хавфли юкумли ка-
салликлари олдини олиш
тўғрисида қарор қабул
қилинган. Ушбу қарорнинг
давомида кўчма ва кўчма
нинг олдини олиш бўйича
муҳим чора-тадбирлар
белгиланган. Жумладан,
шу мақсадда махсус штаб
тузилиб, унинг таркиби
тасдиқланди. Унга Тош-
кент шаҳар Давлат вете-
ринария бошқармаси, ша-
ҳар санитария-эпидемио-
логия назорати маркази,
шаҳар ички ишлар бош
бошқармаси, божбона бо-
шқармаси, Факултетада
вазирлар бошқармаси-
нинг маъсум раҳбарлари
кирган.

(Давоми. Боши газетанинг

35,38,44,47,50,53,59-сонларидан)

Хотам дедиким эй азизларим ҳар вақт ул илон сизлардин қиз танласа, иттифок бирлан айтинларким бизлардин бир калонзодаимиз йўқ эрди. Бу кунлардан келбурди, айтадурким ҳар ким бировага қиз берса мендин бежавоб бермаёғи, агар берса анинг жазосини берурман дер. Ул инсон йигит қани ўшал одам деса мени кўрсатинлар, ўз ишмини сўнгра билиб қилурман деди. Ҳамма мақбул қилиб турган эдилар, асари аждаҳо пайдо бўлди. Хотам кўрдиким минорадек бурнидан тўтун ва шароралар чиқар, ҳар наъ овозлар бирлан ҳар тарафга боқиб, қичқириб, яқин келиб думини банд айлаб, замони туриб халойиқларга дам урди. Ҳамма беҳуш бўлди, ул аждаҳо бир-икки юмаланиб сохибжамол йигит суратида бўлиб, ўриндин туриб одамлар орасига келди, ҳамма иззат-икром этдилар. Аввалги расмда қиз тилади. Жамоат дедиким, бизлардин бир калонзодаимиз гоёиб эрди, бу кунларда келбурди. Айтадурким, ҳар ким бировага қиз берса, мендин жавоб олиб берсун, бўлмаса ул одамга жазолар берурман дейдур, дедилар. Аждаҳо йигит айтди ул одам қани? Хотамни кўрсатдилар. Аждаҳо айтдики, сен кимдурсанким мунча таафди қилибдурсан, сабаби нимадур? Хотам дедиким мен отабобом бул шаҳарнинг улў ҳожаляридур, алардин бесорқоқ иш қилмас эрдилар. Мен бирмунча муддатдин бери бўлак шаҳарда эдим, энди келдим. Булар аввалги расминини бузбурдилар. Аждаҳо йигит дедиким, ул расм қайси эрдик булар бузбурдилар? Хотам дедиким, улў бобомдин қолгон бир муҳра бордур, ани бир жомшарбатга чайқаб қувв бирлан қизга ичирурмиз, умрлари ҳам ширин бўлғай. Аждаҳо йигит деди, ул шарбатни ҳозир айланг, Хотам буюрди бир жом шарбат келтирдилар. Хотам Муҳраи Мохпарини қулоқидин олиб уч маротаба шарбатга чайди ва бу ниятни дилидан ўтказдики «ушбу жинни ҳамма амали кўракидин фаромуш бўлғай деб. Ул аждаҳо йигит шарбатни симириди, ҳамма амали кўнглидин маҳв бўлди. Хотам ана айтдики, ана бир расм қолди. Ул деди қайсидур? Қувв бир хумга кирсалар, ана бир жом шарбат берурмиз, андин сўнғ қизни топишурмиз деди. Аждаҳо йигит тез бўлсин деди. Хотам буюрди

бир хум пайдо қилдилар, ул аждаҳо йигит хумга кирди. Хотам ул жомдаги шарбатга исм аъзамни ўқиб дам солиб мана ичинг қувв деб ул хумга сочди. Исми аъзамнинг шарофатидин хумнинг оғзи беркилиб мустаҳкам бўлди. Хотам дедиким, эй қувв чикинг қизлардин бирини хоҳиш айлаб олинг деди. Улҳин он микдор уринди бўлмади. Хотам халойиқга айтдики, кўп ўтин олиб келинлар, бул хум хом эркан, бўлақдин пиширурмиз деган, ҳадсиз ўтин пайдо қилдилар, ул хумни атрофига қилиб, тўрт тарафдин ўт қўйдилар то ул хум бирлан аждаҳо йигит қул бўлди. Хотам ул одамларга дедиким, энди ҳар ким ўз ким ўз жойича бўлсин, ул бало йўқ бўлди; деди.

дин кейин ана бир бешага етди. Ул беша чийлар макони эрди. Чийлар одам хидини сезиб Хотамга ҳамла айладилар. Ҳар бири кўйдек, эчкидек, ёстиқдекдур, хурушлар айлар эрдилар. Хотам муҳраи Мохпарини ана ерга ташлади, бир неча ранг бўлди. Чийлар ҳам бир-бирлари бирлан жанг бошладилар, бир соат ўтгач тиринги қолмади. Ул бешага ўт кетиб, ҳамма нарсани қул қилди. Хотам ердин муҳрани олиб, бошини манзалат туфроғига қўйиб саждайи шўкроналар айлади. Ҳамду санолар оллоҳ таоллога ҳада айлаб ана йўлга равона бўлди. Ажойиботларни мушҳада қилиб борур эрди, бир вилоятига етди. Ул шаҳарни подшоҳи бул офатлиқ йўлга посбонлар қўйган эрдик, бу йўлга ҳаргиз бирор киши кирмағай деб. Посбонлар кўрдиларким, бир танҳо одам пиёда келадур, то посбонлар олдиға келди. Хотамдин сўрдиларки бул йўлдан нечқ келдингиз дедилар. Хотам жавоб бердики ҳазрат парвардигор иноти билан ул минг оёқ ва қирқ оёқ, чийлар ҳалок бўлди, бешалари қўйиб қул бўлди. Посбонлар Хотамни шохларини хизматига етқурдилар. Қиссани маълум айладилар. Шох Хотамни икромлар билан бир яхши жойга қўйиб ул бешаларга

Донишмандлар хазинасидан ХОТАМНИНГ БЕШИНЧИ САФАРИ

Халойиқ назрона деб олтин, қумуш, ажнос матолар жаъм қилиб бердилар. Хотам ҳамма муфлис бечораларга ахсон айлаб, ушбу жоматлар бирлан видолашиб йўлга равона бўлди. Неча тоғлардин ошиб бир саҳрога етдиким, ҳаммаси тиконзордур, кўп ранж тортиб андин ҳам ўтди. Худойи таоллога, санолар айтиб борур эрди. Ана бир беша намудор бўлди. Ул беша минг оёқ ва қирқ оёқ маҳлуқларни макони эрди. Ҳар минг оёқни катталиги бир аждаҳодек ва ҳар қирқ оёқни катталиги бир шарғондек хурушлар айлаб, Хотамни ўртаға олдилар. Хотам ҳазрат парвардигор даргоҳига жизлигини васила айлаб паноҳ тилар эрди. Қулоғига овози гаёиб етишгандек бўлдики, муҳраи моҳпарини ерга ташлагин, қудрати оллоҳни қўригил! Дарҳол муҳрани қулоқидин олиб ерга ташлади. Оллоҳ-таолло иноти билан бир оқранг бўлди, иккинчи сабза ранг бўлди, учинчи қизил ранг бўлди, тўртинчи қора рангли бўлди. Минг оёқлар девонавор бўлиб бир-бирлари бирлан жанг қила бошладилар. Хотам билан ишлари бўлмади, охири урушиб-урушиб адо бўлдилар, беша бўшаб қолди. Хотам муҳрани ердин олиб, оллоҳ таоллога ситойишлар юбориб, йўлга ташлади. Неча кун-

азбаройи таъдид одам юбориб хабар олди. Хотамни айтган сўзлари рост чиқди. Андин сўнғ қарвонлар ҳам бул йўлдан бориш-келиш қила бошладилар. Хотамдин ана сўрдиларким, эй жавонмард қайси жонидин келурсиз, мундоғ пиёда юрмоқдин мундоғ нимадур? Хотам дедиким Яман вилоятининг бўлурман, отимни Хотам ибн шох Тай Яманда дерлар, ҳоло Хуснобод вилоятининг келурман деб, тамом саргузаштини баён айлаб, бу сафардин мақсад ҳаммани бағдард асрорини билмақдур деб, шохни дуолар айлади. Шох дедиким эй Хотам, албатта бул халёни бахридин ўтинг, ўз жонингизга раҳм айланг, ул ҳаммомга кирганлардин хабар йўқдур, ўлик тиринги киши билмас деб, кўп илтижолар қилди, бўлмади. Охир бир неча одамни қўшиб дедиким фалон сарманзилға етқуриб келинлар деб. Алқисса, Хотам шох бирлан видолашиб йўлга тушди. Ул одамлар неча кунлар ҳамроҳлик айлаб дедиларким, бизни шохимизни ҳадди банг ерғачадур, мундин бул тарафи қатагон шохи Хорис шохға тааллуқдур деб, жавоб олиб кетдилар. Хотам оллоҳ деб қатагон йўлга равона бўлиб, ранжу машаққатлар тортиб қатагон шаҳрига дохил бўлди.

Тўғрун ФАЙЗИЕВ.
(Давоми бор).



Тикувчилик бизнинг сеvimли касбимиз.

Танловлар

ДАНАГИДАН МАФИЗИ ШИРИН

«Қайнонали келин қарқара келин, қайнонаси қелин масҳара келин» дейди доно халқимиз. Соғлом авлодни вояга етказишда қайноналарнинг ҳам хиссаси. Ўрни бўлақча эканлиги ҳақида бот-бот айтилмоқда. Келинларини ўз фарзандидек бағрига олган, набираларини «данагидан мағизи ширин» деб меҳр билан тарбиялаётган қайноналар ҳақида ҳар қанча гапирсак оз.

Кунни кеча Собир Раҳимов туманида «Энг ибратли қайнона» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Кўрик-танловда туманининг саккизта маҳалласидан энг ибратли, энг зукко, оила кўргонини ўзининг меҳр-муҳаббат билан мустаҳкамлаб келатган ибратли қайноналар қатнашдилар. Ҳамма шартларга оқиллик, донолик билан жавоб берган ва ҳамманинг олқишига сазовор бўлган Қорасарой маҳалласининг энг ибратли қайнонаси Муҳаббат ая Қурбонова биринчи ўринга лойиқ деб топилди, шаҳар беллашувида қатнашиш учун йўланма олди.

Танлов ғолибаси Муҳаббат ая Қурбонова ҳаяжон билан шундай деди: «Барча маҳаллалар ичида не-не зукко қайноналар орасида биринчилиكنи оламан деб

ўйламаган эдим. Бу бизнинг маҳалламизнинг ғалабаси деб биламан.

Фурсатдан фойдаланиб, барча қайноналарга шундай дегим келади: бағри сенг, меҳрибон ва ғамхўр, жафокеш онагиз, азиз фарзандларининг тинч-осойишта, набираларининг ота-она бағрида, бағри бутун бўлиб вояга етишларида биз — қайноналарнинг ўрни ва вазифаси, масъулияти беқиселлигини ҳеч ёнимиздан чиқармайлик. Ҳамиша фарзандларимиз ардоғида бўлиш учун ўзиниз ҳам уларга меҳр улашайлик».

Кўрик-танлов сўнггида барча иштирокчилар туман ҳокимлиги томонидан эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Янграган қуй ва қўшиқлар йиғилганларга бир олам завқ бағишладилар.

Дилдора ОРИПОВА.

◆ 22 июль — шанба (Ойнинг 20/21 кунин). Бу кун инсоннинг иккинчи камолотида гоят қулай келади. Манаваиятга дахлдор адаб-этиқадни ўқиб, янги билимларни эгаллашга ҳаракат қилиш манъини туйғуларини туйғулариди. Ҳамма кундалик икки-чирқилар, ташвишлардан холироқ туришга интилинг. Куннинг энергетикаси инсонларга гоят уйғун ва мутаносибдур.

Икки моддалар алмашинуви аъзолари хасталиклари, бугим касалликлари ҳуруж қилиши мумкин. Каттиқ тиш оғрини безовта қилиши мумкин. Бош, мия ва кўрси аъзолари хасталикларга мойил бўлади. Асаб хасталиклари безовта қилиши эҳтимоли бор. Танангизнинг ҳаддан ташқари совиб кетишига йўл қўйманг. Нафас йўллари даволашни бошлаш, томоқ безлари аденосиди олдириш бўйича жарроҳлик операцияларини ўтказиш мумкин.

Тушларингиз башоратли бўлиб, яқин орада ўнгидан келади.

◆ 23 июль — якшанба (Ойнинг 21/22 кунин). Мазкур кеча-кундуз янги билимларни


маъқул — асорати қилиши мумкин.

Тушларингиз олдига эр-хотин ўртасидида муносабатлар қай аҳволда эканлигини ойдинлаштирилади. Нохуш тушлар шу йўналишда ўйлаб қўришингизни тавсия этамиз.

◆ 26 июль — чоршанба (Ойнинг 24/25 кунин). Танбалликка мойиллики кучайтиради кун. Яхши — уни холироқ ўтказишга ҳаракат қилинг. Бошлаган ишнингизни ниятсизга етказишингиз мумкин, лекин ҳеч қанақанги янги ишларга қўл урманг. Барча ишларингизни шомасдан, хотиржам бажаринг. Ўйда ҳам ишда ҳам ташаббус кўрсатишга уринманг. Бу кунни Аллоҳга илтижолар билан, дуолар билан ўтказиш, азиз-авлиёлар қабрларини зиёрат қилиш фойдали.

Юрак-кон томир тизимига диққат билан эътибор бериш керак бўлади. Жарроҳлик операцияларини бошқа вақтга қўчирган маъқул. Ўпка ва нафас йўлларида турли муолажалар яхши натижалар беради. Саунага бориш, ҳаммомга тушиш, бошқа сув билан боғлиқ муолажалар фойдали бўлади.

Бўш вақтингизда БОШҚОТИРМА



Азиз оқшомжонлар! Қуйида изохлари баён этилган сўзлар бир хил ҳарф билан бошланади. Бўйига йўналишидаги сўзлар шакл марказидаги ҳарф билан тугалланади.

Бўйига: 1. Атоқли ўзбек шоираси Зулфия сазовор бўлган халқаро муқофот. 2. Қўшиқнинг такрорланганидан қисми. 3. Коммуний аллома, Абу Али ибн Синога ил сабоқин берган устоз, ўз замонасининг билимдон. 4. Рус денгиз сайёҳи. 5. Африка қитъаси ғарбидида, пойтахти Лагос шаҳри бўлган давлат. 6. «Хамса»чиликни бошлаб берган озарбайжон мутафаккири, умумтос шоир. 7. Ер сатҳининг паст-баландлигини бирор нуктага нисбатан аниқлашда қўлланиладиган геодезик асбоб. 8. Ҳажвий қаҳрамонларни гавдаландирган атоқли рус санъаткори. 9. Ўзбек театр сахнасининг илк санъаткори. 10. Юкюрга чиқиб мосламаси. 11. Жун ўрнида ишлатиладиган сунъий, пишқик тола. 12. АКШ давлатининг 1969-1974 йиллардаги президенти. 13. Сунъий газлама ишлаб чиқариш ва техникада қўлланиладиган тола. 14. Маза-таъми тўри. 15. Қўш тизимидидаги саккизинчи сайёра. 16. Атом ядросининг таркибига кирувчи — протон ва нейтронларнинг умумий номи.

Муаммонома

Шакл атрофидаги рақамларда ўзбек маърифатпарвар шоири Алихон Муллохон ўғли Оразий қаламига мансуб ҳикматли сўзлар аширинган. Уни қуйидаги очқич сўзлар асосида билиб олинг.

1. Муҳаддидлар сўлтони Имом ал-Бухорийга ёдгорлик ўратилган ватанимиздаги маскан — 13,14,12,2,15.
2. Аждодлардан авлодларга қолган илмий, адабий моддий бойлик — 1,14,7,4,6.
3. Ўйиб ёки бўёқ билан ишланган миллий безак — 16,2,5,18.
4. Дуккаки экин — 16,11,3,2,8.
5. Англияда ишлаб чиқарилган автомобиль русуми — 10,17,9,2,7.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ.

Газетанинг 14 июль сонидида чиққан бошқотирманинг жавоблари:

1. Бароқхон. 2. Нафосат. 3. Тансиқбев. 4. Восикова. 5. Абай. 6. Ўйил. 7. Лимит. 8. Товаришлослик. 9. Киловатт. 10. Тангенс. 11. Синтаксис. 12. Сифат. 13. Тавоф. 14. «Бутакў». 15. Зокиров. 16. Синтаксис. 17. «Хуррият». 18. Турон. 19. Намозшоимолу. 20. Латофат. 21. Тилишунослик. 22. Қўш. 23. Карбюратор. 24. Раққоса. 25. Абдуқуддусов. 26. Вохидов. 27. «Вакт». 28. Тарх. 29. Ҳожимукон.

Муаммонома

Очқич сўзлар: 1. Зардуз. 2. «Халк». 3. Баҳс. 4. Моки. 5. Яшн. Ҳикмат: Имомни бор ҳар бир яхшилик — сўз орқалидур.

Ўқинг, қизик!

ЭНГ, ЭҒТ, ЭНГ...

◆ Совуққа энг чидамли қушлар — қоз ва урдук. Улар 110 даража совуққа ҳам бардош беради.
◆ Чўлда энг узок улайдиган жонзот — тошбака. У йилнинг 9 ойини уйку билан ўтказди.
◆ Энг тез учадиган қуш чумчуқ. У соатига ўртача 70-80 километр учеди. Агарда ростмано учадиган бўлса, соатига 320 километр тезлик билан парвоз қилди.
◆ Учадиган жонзотлар ичида қанотини тез қоқадигани — пашша. У бир минутда қанотини 57 минг марта қоқди. Бунга саналган олимлар бардошига баъли-э!
◆ Юргани энг қичқилотки ваввойи ҳайвон — арслон. Шунга қарамадан у ўрмон подшоҳидир.
Кидирбой Тўлабоев тайёрлади.

Шанбадан шанбагача: мунажжам таъбири ҲАФТАНГИЗ ХАЙРИИ КЕЛСИН

эгаллаш учун қулай ҳисобланади. Ой сайёрасининг шу кеча-кундуздаги инсон ва табиғатга таъсири интеллектуал қўйилган ривожлантиришга хизмат қилади. Шунинг учун инсониятни бош бермай, билимлар уммонидан имкон қадар кўпроқ фойдаланишга ҳаракат қилинг. Фурсат ғаматлигини унутманг.

Тўри ичак, икки моддалар алмашинуви аъзолари хасталиклари зўрайиши эҳтимоли бор. Юқумли касалликлар ҳуруж қилиши мумкин. Нафас олиш йўллари даволашга киришиш самарали бўлади. Асабларингизни асраб, авайлаб, ортиқча эҳтирослардан сақланг.

Тушларингиз пуч бўлиб, уларнинг талқинига бош қотириб ўтирманг.

◆ 24 июль — думанба (Ойнинг 22/23 кунин). Шу кеча-кундуздаги Ой сайёрасининг таъсири қудратли инсонга салбий таъсир этади ва одамларни ҳаждорликка мойил қилади. Шунинг учун эҳтиёт бўлганингиз маъқул. Бутун кунни уйда ўтказишга ҳаракат қилинг, атрофдагилар билан имкон қадар камроқ мулоқотда бўлганингиз маъқул. Шу кунни рўй берган жанг-моҳарролардан анча вақтгача ўзингизга қелингиш қийин бўлиши мумкин.

Асаблар тарағлилашиб, хотиранинг унча-мунча бўшаиши эҳтимоли бор. Икки моддалар алмашинуви аъзоларининг заифлаиши кузатилади. Умторқа хасталикларидан заъят чекувчилар айнасида эҳтиёт бўлишлари керак. Тушларингиз ўнгидан қолмайдиган лекин қандайдир шубҳа-ғумонларингизга аниқлик киритди.

◆ 25 июль — сешанба (Ойнинг 23/24 кунин). Мазкур кеча-кундузнинг аҳборот-энергетика таркиби ижодкорликка мойиллик уйғотди ва инсон табиғатида уйғун бўлади. Янги ишларга дадил киришиш, ташаббускорликда фаоллиги интилиш яхши натижа беради. Шу кунни ҳар қандай мураккаб ишнинг улдасидан чиқарсиз.

Юрак, кон-томир хасталиклари, кон босимининг ошиб кетишини тавсия этилади. Қулни таъбир муолажалар билан даволаш, тери хасталикларини даволаш тавсия этилади. Тишларни даволаш, сунъий тиш қўйдириш бошқа вақтга қўчиринг. Оғиз ва қорин бўшлиғида жарроҳлик операциялари тавсия этилмайди.

Қанчалик ёрқин ва ҳақиқатга яқин туюлмасин — тушларингизга ишонманг.



Элимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин.

Биласизми? СУРМАНИНГ ТАРИХИ

Қадимдан аёллар, қизлар ўзларига оро берилган. Улар асосан қош-кўзларига ўсма ва сурма қўйишган.

Сурма қўзи чиройли кўрсатиш билан бирга, бери неча қўз касалликларига ҳам даво экан. Сурманинг бир неча хусусиятлари мавжуд.

1934 йил илк бор Фарғонадаги Қадамжой қонидан сурма олини бошланган. Маълумки, сурма XV-XVII асрларда тиббиётда дори сифатида ишлатилган. Бундан ташқари сурма металл ҳамдир. Қазиб олинадиган бу ноёб элементнинг табиатда юз-

дан ортиқ тури мавжуд. Маълумотларга қараганда, бундан беш минг йиллар илгари ҳам Шарқда сурмани билишган. Бундан 3 минг йиллар аввал қадимги Вавилонда сурманинг қотишмаларидан ҳар хил идишлар ясаган. Уша даврнинг таниқли олими Агрикола ўзининг «Миңералларнинг пайдо бўлиши» номли китобида сурма ҳақида шундай ёзган:

«Агар эритиш даврида сурмага маълум миқдорда қалайи қўшилса, қотишма ҳосил бўлади ва ундан босмақонларда ишлатиладиган ҳарф ясаш мумкин. Демак, сурманинг ҳозир қўлланила-

ётган асосий соҳалардан бири — босмақонлар фларини ясаш қўл асрлик тарихга эга экан.

Сурма метали соф ҳолда мўрт бўлганлиги сабабли у қалайи, қўроғош сингари металлларга қўшилса, бу металлларнинг мустаҳкамлиги ошади. Шунинг учун ҳозирда сурма қўйиш йўли билан олинаётган қотишмаларнинг тури 200 дан зиёд. Шу билан бирга сурма резинкаларни ямашда, иссиққа чидамли металллар олишда, бўёқ тайёрлашда ишлатилмоқда.

Гулом ХАМИДОВА.

Ҳодиса

ИНСОН УМРИ ҲАР НАРСАДАН АЗИЗ

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг «Бонинг-767» ҳаво кемаси ўзининг наватбадаги Тошкент-Киев-Нью-Йорк йўналишида парвоз қилаётган ва қўнишга уч соат вақт қолганида борт кузатувчилар бошлиғи Елена Гушча йўловчилардан бири Александр Белевнинг мазаси бўлмай, ҳушидан кетганлигини учувчиларга хабар берди.

Йўловчилар орасида фельдшер аёл бор экан. У беморга кислород бериб, хушига келтириш учун қўлидан келган чораларни ишга солиди, лекин қанча уришмасин Александрнинг ҳарорати пасайиб, аҳоли борган сари оғирлашиб борарди.

Бемор ҳаётини сақлаб қолиш учун экипаж энг яқин жойлашган Гандер аэропортига қўнишга қарор қилди. Ҳаво кемаси

аэропортга қўнган, беморга зудлик билан малакали тиббий ёрдам кўрсатилди. Қанадалик врачлар агарда самолёт узоғи билан ярим соат ичида қўниб, тиббий ёрдам кўрсатилмаганида Александр ҳаётдан бевақт қўз юмиши ҳеч гап эмаслигини айтишди.

Албатта бу ўринда авиакомпаниямиз учувчилари Сергей Тянь ва Михаил Городников ҳамда борт кузатувчилар бошлиғи Елена Гушчаларнинг хизматлари бениҳоя катта десак, муволафа бўлмайди. Чунки улар ўз бурчларини сидқидиллик билан бажарибгина қолмай, балки бир инсоннинг ҳаётини сақлаб қолишга муваффақ бўлдилар. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК қанчалик қўшимча ҳаражатлар сарфламасин, у ҳамма вақт инсон саломатлигини устун қўйиши таҳсинга сазовордир.

Азизом ХАКИМОВ.

